Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2019 йил
**16 февраль**
ШАНБА
**№ 13** (13170)

@haqiqatonline

1928 йил 11 декабрда асос солинган

# БОҒИ БОРЛАРГА БАҲОР КЕЛДИ



*Қиш фаслининг якунланишига ҳам саноқли кунлар қолди. Лекин, ҳозирданоқ юртимизга кўклам нафаси кириб кела бошлади. Бу пайтда миришкорларимиз далаларга шошади, боғбонлар ҳам вақтни ғанимат билиб, ўз юмушларига киришадилар. Об-ҳаво нисбатан илиқроқ келгани боис, улар мевали дарахтларни пайвандлаш, шакл бериш, буташ ва сийраклаштириш жараёнини эртароқ бошлаб юборишди. Сабаби, мазкур агротехник тадбирлар ҳосилдорликнинг ортиши ҳамда дарахтни яхши ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.*

❑ Кўклам нафаси



*Мансур ҲИММАТОВ олган суратлар*

Бугун вилоятимизнинг қайси ҳудудига борманг, боғдорчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликларида ишлар жуда қизғин бораётганига кўзингиз тушади.

– Дарахтларга шакл бериш мураккаб жараён, – дейди чинозлик боғбон Жумабой Жабборов. – Агар бир оз бепарволик қилиб, керакли шохни кесиб қўйсангиз, ҳосил камайиши, ҳатто дарахт мева бермаслиги ҳам мумкин.

Мутахассисларнинг айтишича, дарахтларга шакл бериш технологияси меваларнинг хилига қараб турлича бўлади. Масалан, олмани олайлик. Кўчат тўлиқ ҳосилга киргунга қадар ўртача қисқартирилиб, сийраклаштирилади. Бунда бир-бирига соя ва халақит берадиган ҳамма шох ва новдалар олиб ташланади. Ҳосилга кирганида эса унинг ўсишига қараб, меъёрида буталаб турилади.

Гилос баланд ўсиши ва кам шохлаши билан ажралиб туради. Унга сийраклатиш, қаватлаш усулида шакл берилади. Ён шохлари 2-3 қават қилиб қолдирилади. Шунингдек, куртак унишини ошириш ва новдалар яланғочланиб қолмаслиги учун асосий шохдаги ўқ новдалар қисқартирилади. Бу усул кўчат ёшлигида кўпроқ қўлланилади.

Дарҳақиқат, вақтни ғанимат билган тажрибали боғбонларимиз томонидан дарахтларга шакл бериш жараёнлари сифатли бажарилса, бу йил ҳам боғларимизда ҳосил мўл бўлади.

**Зуҳриддин РАҲМОНОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**

❑ Давлат дастури – амалда

*Президентимиз томонидан қабул қилинган "Yoshlar – kelajagimiz" Давлат дастури ёшлар ўртасидаги қатор муаммоларнинг ечимини топишда дастуриламал бўлмоқда. Ушбу ҳужжат орқали жойлардаги интилувчан ва серғайрат ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги оширилди, истиқболли ғоя, таклиф ва лойиҳалари қўллаб-қувватланиб, кўплаб ишсиз юрган ёшларнинг бандлиги таъминланди.*

## ЭРТАНГИ КУНГА ПОЙДЕВОР

Жумладан, вилоятимизда ҳам йигит-қизларимизнинг турмуш шароитини яхшилаш ва тадбиркорликка бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш бўйича ўрганишлар олиб борилиб, комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Мутасаддилар уйма-уй юриб, ёшларнинг қизиқишлари, уларни қийнаб келаётган муаммолар билан танишишди, режалари ҳақида суҳбатлашишди.

2

Сайёр қабул

## ОЛИЙ СУД РАИСИ

### вилоятимиз аҳолиси билан учрашди

**Вилоятимизнинг шаҳар ва туманлари Халқ қабулхоналарида Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Козимжон Комилов ва Олий суд судьялари иштирокида сайёр қабуллар бўлиб ўтди.**

2

❑ Ташаббус

*Олмалиқ шаҳридаги "Металлург" маданият саройида вилоятда жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича тадбир ўтказилди.*



## ФАОЛЛАР МУКОФОТЛАНДИ

Унда вилоятимизда жиноятчиликка қарши курашишда жонбозлик кўрсатган профилактика инспекторлари, маҳалла посбонлари, хотин-қизлар бўйича мутахассислар моддий ва маънавий рағбатлантирилди. Ўзи меҳнат қилаётган ҳудудда жиноят содир этилишига қатъий қаршилик кўрсатган, аҳоли билан намунали ҳамкорлик қилаётган мутахассисларнинг тажрибаси ўртоқлашилди.

Тадбирда ўтган ой якунларига кўра, ИИБ бошлиғининг ёшлар ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, инспектор, посбон, маҳалла мутахассиси, туман ва шаҳарлар яраштирув комиссияси ҳамда ёшлар иттифоқи фаоллари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

Йил якунларига кўра, алоҳида ўрнак кўрсатганлар уй-жой, автомобиль билан мукофотланиши маълум қилинди.

Тадбирда вилоят ҳокими Ғ. Ибрагимов иштирок этди.

**Нозим ИСМОИЛОВ**

❑ Солиқ ва ислоҳот

*Юқори Чирчиқ туманида йиллик маҳсулот айланмаси 1 миллиард сўмдан кам бўлган 3 та корхона ихтиёрий равишда умумбелгиланган солиқ тўловига ўтиш бўйича ариза топширди.*

## ТАДБИРКОРЛАРГА СОҲАДАГИ ЯНГИЛИКЛАР ТУШУНТИРИЛМОҚДА

Туманда солиқ соҳаси ходимлари томонидан тизимдаги ислоҳотлар мазмун-моҳиятини тадбиркорларга етказиш, солиқ тўловчиларга ҳар томонлама кўмаклашиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, тадбиркорлар билан Президентимизнинг 2018 йил 29 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида"ги фармони асосида тадбиркорлик субъектларига тақдим этилаётган имтиёзлар, шунингдек, умумбелгиланган солиқ тўлови, қўшимча қиймат солиғини ҳисоблаб чиқиш ва ҳисоб-китобларни тақдим этиш ҳамда бюджет билан ўзаро муносабатлар, камерал назорат ва солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича манзилли тушунтириш-тарғибот тадбирлари ўтказилди.



Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, туманда 96 та корхона умумбелгиланган солиққа ўтиши режалаштирилган бўлса, олиб борилган профилактик тадбирлар натижасида бундай корхоналар сони қарийб 130 тага етди.

Айни пайтда умумбелгиланган солиқ тизимига ўтган тадбиркорлик субъектларининг 35 таси соддалаштирилган қўшимча қиймат солиғи, 90 таси қўшимча қиймат солиғининг 20 фоизли ставкаси тўловчиси сифатида фаолият юритмоқда. Яна 3 та корхона солиқ қонунчилигига асосан қўшимча қиймат солиғи тўлашдан озод қилинган. Мазкур корхоналарга 15 нафар солиқ ходими бириктирилиб, мутахассислар тадбиркорларга солиққа оид барча масалаларда яқиндан кўмаклашмоқда.

– Туманда 1 минг 770 дан ортиқ тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтиб, фаолият юритмоқда, – дейди туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Д. Йўлдошев. – 2019 йилга қадар уларнинг бор-йўғи 41 таси ер, мол-мулк ва сув солиғи тўловчилари ҳисобланган. Тадбиркорлар билан олиб борилган профилактик тадбирлар натижасида уларнинг 400 га яқини ер майдони, 420 дан ортиғи мол-мулки борлиги ҳамда 140 таси сувдан фойдаланиши тўғрисида солиқ органига маълумот тақдим этди. Қолган корхоналар бўйича кадастр хизмати билан ҳамкорликда хатлов ўтказилиб, уларнинг мол-мулки ва ер майдонлари тўғрисидаги маълумотлар солиқ органлари базасига киритилди. Натижада, жорий йилдан бошлаб барча хўжалик юритувчи субъектлар мол-мулк, ер ва сув солиғини тўлашга ўтказилди.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**
**ЎзА мухбири**

# НАВОИЙНИ ЎҚИЁТГАН БОЛАЛАР

*Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташаббуси билан Навоий вилоятида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Навоий ворислари" кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.*

❑ Офарин!



Тадбирда танловнинг вилоят босқичларида ғолиб бўлган умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирок этишди.

Танловда иштирокчилар энг кўп ғазал ёд олиш, ғазални бехато ва ифодали ўқиш, ғазал матнининг насрий баёнини ярата олиш, ундаги сўзлар мазмун-моҳиятини изоҳлаб бериш каби шартлар бўйича баҳслашишди. Шунингдек, иштирокчиларнинг шоир ғазалларидан камида 40 тасини ёд олгани ва насрий баёнини тақдим эта олиш қобилиятига эътибор қаратилди.

Танловда Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан қатнашган 14 иштирокчи орасидан, 1-ўринни вилоятимизнинг Юқори Чирчиқ туманидаги 33-умумтаълим мактаби ўқувчиси Шукрулло Зикрияев қўлга киритди. Иккинчи ўринга Навоий вилояти вакили Лобар Давронова, учинчи ўринга сирдарёлик Хуршида Акбарқулова сазовор бўлди.

Ғолиб ва иштирокчиларга диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Дарвоқе, бу йил ушбу танловнинг дастлабки босқичларида 14 минг нафарга яқин ўқувчилар иштирок этиб, кўплаб иқтидорли ёшлар кашф қилинди.

**Юлдузхон**
**МУҲИДДИНОВА**

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

# ФАРМОН ИЖРОСИ УЧУН ҲАМ...

# ПОРА КЕРАКМИ?



**Тураржойи бўла туриб, унга эгалик қила олмаётган минглаб ҳамюртларимизнинг орзуларини рўёбга чиқаришда муҳим қадам ташланиб, ўзбошимчалик билан қурилган иморатларга нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш борасида давлатимиз раҳбарининг фармони қабул қилинган эди. Лекин... унга амал қилмаётган айрим мутасаддиларнинг хатти-ҳаракатлари бизни таажжубга солади ва бундай хайрли ишларни амалга оширишни пайсалга солаётган кимсаларга нисбатан кескин чоралар қўллашга мажбур қилади.**

Президентимизнинг 2018 йил 20 апрелдаги "Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган тураржойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида чиқарилган ҳукумат қарорининг ижроси ўрганилганда, 7 минг 900 дан ортиқ қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Оқибатда ҳар ким "насибаси"ни олди: 98 нафар масъул ходим маъмурий, 22 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, улардан 19 нафари билан тузилган меҳнат шартномалари бекор қилинди.

Маълумотларга кўра, вилоятимизда мазкур акция доирасида Давлат хизматлари марказларига фуқаролардан 42 минг 885 та ариза келиб тушган бўлиб, уларнинг атиги 13 минг 340 таси (31 фоиз) тегишли комиссиялар томонидан кўриб чиқилган. Шундан 5 минг 311 таси (39,8 фоиз) бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг қарори чиқарилиши таъминланди. 2 минг 362 та (17,7 фоиз) аризага туман (шаҳар) комиссиялари томонидан рад жавоби берилди, 3 минг 900 та (29,2 фоиз) ариза бир марталик йиғим тўланмаганлиги сабабли ниҳоясига етмаган, 1 минг 767 та (13,2 фоиз) ариза юзасидан тайёрланган қарор лойиҳалари эса жойлардаги ҳокимлар томонидан имзоланмасдан ташлаб қўйилган. Хусусан, Янгийўл туманида 196 та, Бўстонлиқ туманида 163 та, Бекобод ва Зангиота туманларида 143 тадан қарор лойиҳалари ҳокимлар томонидан имзоланмаган.

Ачинарлиси шундаки, комиссиянинг ишчи органи томонидан аризаларнинг 12 минг 721 таси муҳокамага қўйилмаган, қолганларини кўриб чиқиш эса мутасадди идораларнинг хизмат вазифаларига бўлган муносабатларига боғлиқ ҳолда турибди...

Давоми 2-бетда

Мактабгача таълим

# 60 фоиз бола БОҒЧАГА ҚАМРАБ ОЛИНАДИ

*Вилоятнинг жорий йилга мўлжалланган "Йўл харитаси"да "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида 17 та, Инвестиция дастури асосида 1 та, шунингдек, 250 та оилавий нодавлат, 121 та хусусий, 77 та давлат-хусусий шериклик асосидаги мактабгача таълим муассасаси фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган.*

Маълумотларга кўра, айни пайтда вилоятда боғча ёшидаги болалар сони қарийб 200 минг нафар. 710 дан ортиқ мактабгача таълим муассасасида 81 мингдан зиёд ўғил-қиз тарбияланаётир. 2018 йил бошида болаларни боғчага қамраб олиш даражаси салкам 32 фоиз бўлган бўлса, 235 та мактабгача таълим муассасаси фаолиятини йўлга қўйиш орқали бу кўрсаткич йил якунида 41 фоиздан ошган.

– Кейинги йилларда боғчаларнинг моддий-техник базаси, айниқса, қишлоқ жойларда болаларни мактабгача таълимга қамраб олиш даражаси ачинарли ҳолга келиб қолган эди, – дейди вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Одилжон Тожиев. – Президентимиз ташаббуси

**Тошкент вилоятида жорий йил 460 дан ортиқ мактабгача таълим муассасаси ташкил этилади.**



билан тизим қайта тикланмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг соҳани тубдан такомиллаштиришга доир фармон ва қарорлари билан тадбиркорларга кенг имкониятлар яратилди, тизимга хусусий сектор вакиллари кириб келди. Натижада, тизимда сон ва сифат жиҳатидан жиддий ўсиш кузатилди. Биргина мисол, жорий йил вилоятда 38 мингдан ортиқ болани қамраб олиш имкониятига эга 466 та мактабгача таълим муассасаси ташкил этиш режалаштирилган бўлса, уларнинг 90 фоиздан ортиғида айнан хусусий сектор вакиллари иштироки мавжуд.

Ҳисоб-китобларга кўра, бу борада белгиланган режалар тўлиқ амалга оширилгач, йил якунига бориб, боғча ёшидаги болаларнинг 60 фоиздан зиёди мактабгача таълимга қамраб олинади.

Бу йил вилоятда Инвестиция дастури доирасида 43 та мактабгача таълим муассасаси жорий ва капитал таъмирланади.

**ЎзА.**

# ЭРТАНГИ КУНГА ПОЙДЕВОР

Хусусан, ўтган йил якунида вилоят ёшлари орасида 34 минг 200 дан зиёд муаммо ва камчиликлар аниқланиб, 1 минг 300 дан ортиғига ўша жойнинг ўзида ечим топилди. Қолганлари манзилли "йўл хариталари"га киритилди. Муаммонинг аксарияти ишсизлик, ҳуқуқбузарлик ва жиноятга қўл уриш ҳолатларига доир. Айниқса, вояга етмаган ёшлар орасида бундай ҳолатлар кўпроқ учрамоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири – ишсизлик.

Ўрганишлар якунига назар солсак, вилоятимиз бўйича 45,5 мингдан зиёд ёшларнинг бандлиги таъминланмаган экан. Иш билан бандлари бу кўрсаткичнинг деярли ярмини ташкил қиларкан. Бундан ташқари, 20 мингга яқин ёшлар ишлаш учун чет элга чиқишган бўлса, 42 мингга яқини эса, норасмий иш, яъни, киракашлик, майда савдо-сотиқ, устачилик, машина ювиш ва шу кабилар билан машғул.

Очиғи, бу рақамлар кўнгилни хижил қилади. Тўғри, саъй-ҳаракатлар туфайли яхши томонга ўзгариш бор. Мисол учун, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш мақсадида мурожаат қилган 12 минг 214 нафар ёшнинг 656 нафарига манзилли рўйхат асосида ёрдам кўрсатилмоқда. Бунинг учун бюджетдан 63,3 миллиард сўм маблағ ажратилди. Минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда. Шунингдек, яна 66 миллиард сўм ажратилиши режалаштирилган. Бунинг ҳисобига, 4,7 мингта қўшимча бўш иш жойи яратилади.

Аммо, юртимизда ёшлар учун яратилаётган шунча имконият, имтиёз, шарт-шароитларга қарамай, айрим нобакор инсонларнинг гапига кириб, жиноят йўлини танлайдиган, охири "вой"лигини билсада, бундан қайтмаётган йигит-қизлар ҳам учраб тургани ачинарли.

Сўнгги пайтлардаги хабарларда "Ўғил ўз отасининг қотили бўлди", "Қиз онасини пичоқлаб ўлдирди", "Ака синглисига зўравонлик қилди" қабилидаги сарлавҳаларни кўрганда этимиз сесканмай қўйди.

Вилоятимизда ҳам бу каби ҳолатлар кам эмас. Айниқса, вояга етмаганлар орасида ўғрилик, талончилик, безорилик жиноятлари тез-тез учраб турибди. Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги ишлар узлуксиз олиб борилмоқда. Жумладан, мактаб, коллеж, маҳалла ва олий ўқув юртларида қатор учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Бундай амалий тадбирлар натижасида улар томонидан содир этилган жиноятлар 54,8 фоизга, жиноятларда иштироки эса, 43,7 фоизга камайишига эришилди. Айниқса, жорий йил бошидан бери Ангрен, Нурафшон шаҳарлари, Оҳангарон ва Бўка туманларида вояга етмаганлар томонидан мутлақо жиноят содир этилмади. Бу қувонарли ҳол, албатта.

– Тўғри айтасиз, бу яхши натижа, – дейди ёшлар сиёсати масалалари бўйича етакчи мутахассис Ғофур Каримов. – Лекин, жиноятнинг биттаси ҳам кўп-да. Уларни илдизи билан қуритиш, ёшларнинг умрини хазон қилмаслик учун астойдил ҳаракат қилаяпмиз. Натижалар ёмон эмас. Масалан, вилоятимизда ёшлар ўртасидаги жиноятлар аввалгига нисбатан 505 тага, уларнинг жиноятларда иштироки эса 862 тага камайди.

Ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишда энг муҳими – тарбия. Тарбияни, аввало, боғчадан бошлаш керак. Бунинг учун давлатимиз томонидан мактабгача таълим муассасаларида болалар яхши таълим-тарбия олиб, соғлом ва бақувват бўлиб ўсишлари учун барча шароитлар яратилмоқда. Кўплаб янги тарбия масканлари қуриб берилмоқда.

Хусусан, вилоятимизда ўтган йил бошидан бери 26 та давлат ва 94 та нодавлат мактабгача таълим муассасаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Уларга жами 2,5 мингдан зиёд кичкинтойлар жойлаштирилди. Яна 134 та шундай муассасаларда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, 2019 йил инвестиция дастурига киритилган 39 та боғчани реконструкция қилиш учун таклифлар берилиб, лойиҳа смета ҳужжатлари тайёрланди.

**Эрали НОРБЕКОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**

Бошланиши 1-бетда

# ОЛИЙ СУД РАИСИ

## вилоятимиз аҳолиси билан учрашди

Бошланиши 1-бетда

Мазкур учрашувларда фуқаролар ўзларини қийнаб келаётган, шу пайтгача ечими топилмаётган муаммолари билан Олий суд раиси ва судьяларга юзландилар. Жиноят, фуқаролик, маъмурий, иқтисодий ишлар бўйича мурожаатлар тингланиб, аҳолига зарур ҳуқуқий ёрдам ва маслаҳатлар берилди.

– Олий суд раиси қабулига адолат истаб кирдим, – дейди Зангиота туманилик Шарифжон Каримов. – Яъни, менга нисбатан 2014 йилда 208-модда (Ҳокимият ҳаракатсизлиги) билан очилган жиноят иши қайта кўриб чиқилишини сўрадим. Аслида айбсизман. Ҳақиқат юзага чиқишини истайман. Эътирозларим баён қилинган шикоятимни шахсан Олий суд раисига топшириб, енгил тортдим.

– Икки йилдан буён ижарада яшаб келаман, – дейди Бўстонлиқ туманидан Замира Қоратоева. – Лекин, ижарада турган хонадонга рўйхатга қўйилишимда муаммолар бўлаётганди. Шу ҳақда ҳуқуқий маслаҳат олиш учун Олий суд раисининг ўринбосари Баҳодир Деҳқоновга учрашдим. У киши батафсил тушунтириб, йўл-йўриқ кўрсатдилар.

Сайёр қабуллар давомида вилоятимиз аҳолисининг 327 та мурожаати эшитилди. Самимий мулоқотлар ҳар бир мурожаатчи кайфиятида суд ҳокимиятига бўлган ишончни янада оширгани яққол сезилиб турди.

**Бахтиёр ШОДИЕВ,**
**Жиноят ишлари бўйича вилоят суди катта мутахассиси**

Мардлар қўриқлайди, Ватанни!

*Ўрта Чирчиқ туманидаги педагогика коллежида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, касб-ҳунар таълими ҳамда Мудофаа ишлари бошқармалари билан ҳамкорликда "Мен, албатта, аскар бўламан!" танлови ўтказилди.*

# МЕН, АЛБАТТА, АСКАР БЎЛАМАН!



Унда вилоятимиздаги 18 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежининг илғор ўқувчилари 4 та шарт бўйича ўзаро беллашдилар.

– Очиғи, кўзлари чақнаб турган ёшларимиздаги шижоат, қизиқишни кўриб, жуда қувондим, – дейди вилоят касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Азимжон Холдорбеков. – Бу каби мусобақалар ёшларимизни ватанпарварликка, юртни севишга ўргатади. Уларнинг аскар бўлишга иштиёқлари юқорилиги тайёргарликларидан кўриниб турибди.

Беллашувда ёшлар сафда юриш, биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, ҳарбий соҳага оид билимларини намойиш этишди.

Натижаларга кўра, Қибрай тумани энергетика касб-ҳунар коллежи жамоаси биринчи, Олмалиқ шаҳар кончилик касб-ҳунар коллежи ўқувчилари иккинчи ўринни қўлга киритишди. Учинчи ўрин эса иккита жамоа – Бекобод шаҳар тиббиёт коллежи ҳамда Оққўрғон ижтимоий-иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ёшларига насиб этди.

Шунингдек, "Энг аҳил жамоа", "Энг қувноқ жамоа", "Энг эпчил қиз" ва "Энг эпчил йигит" номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Ўз мухбиримиз**




Партиялар ҳаётидан

# САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР МУҲОКАМАСИ

*Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгашининг навбатдаги Пленуми бўлиб ўтди.*

Унда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши, маҳаллий кенгаш депутатлари, партиянинг туман-шаҳар кенгаши раислари, фаоллар иштирок этишди.

Йиғилишда 2018 йилда амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар баробарида, йўл қўйилган камчиликлар танқидий-таҳлилий нуқтаи назардан кўриб чиқилиб, 2019 йилдаги фаолиятнинг асосий йўналишлари ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида эришилаётган натижалар салмоғи, шунингдек, партиянинг вилоят кенгаши олдида турган устувор вазифалар муҳокама қилинди.



* * *

*Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгашининг ҳам навбатдаги Пленуми бўлиб ўтди.*

Унда 2018 йилда амалга оширилган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар ва 2019 йилда бажарилиши лозим бўлган масалалар хусусида кенг муҳокамалар бўлди. Жумладан, депутатлик гуруҳи ва партия вилоят кенгаши томонидан ўтган йилда жами 4 та муҳим масала Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияларига киритилгани ва тегишли қарорлар қабул қилиниб, улар асосида белгиланган вазифалар бажарилгани таъкидланди.

Шунингдек, жорий йилда ҳам партиянинг дастурий мақсад ва ғояларини халқимиз орасида кенг тарғиб қилиш, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни оғишмай амалга оширишга қарор қилинди. Бундан ташқари, 2019 йилнинг сайловлар йили эканига алоҳида эътибор қаратилиб, депутатларнинг сайловчилар билан сайёр қабуллари, учрашувларини ўтказиш тўғрисида режа ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Иккала Пленумда муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз**
*Мансур ҲИММАТОВ олган сурат*

# ФАРМОН ИЖРОСИ УЧУН ҲАМ... ПОРА КЕРАКМИ?

Хусусан, комиссиянинг ишчи органи, яъни кадастр хизмати идораларига келиб тушган юқоридаги 12 минг 721 та ариза кўриб чиқилмаган, яъни иморатларнинг техник планлари шакллантирилмаган ва комиссия аъзоларига "Кадастр 2.0." электрон тизими орқали муҳокама қилиниши учун юборилмаган.

**Алоҳида қайд этиш жоизки, ҳозирги кунгача келиб тушган аризалардан қолган жами 35 минг 212 таси (82,1 фоиз) ўрганиш жараёнида туриб қолган. Шу ўринда савол туғилади. Бунга сабаб нима?! Бизнингча, муаммо айрим мансабдор шахсларнинг эътиборсизлиги ёки мурожаатчилардан қандайдир манфаат кутаётгани, яъни эскича ишлаш услубидан воз кечолмаётганида бўлса керак. Наҳотки, улар Юртбошимиз томонидан илгари сурилган: "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган иборанинг моҳиятини ҳали ҳам англаб етишмаган бўлса?!**

Акс ҳолда аризани кўриб чиқиш учун бор-йўғи 11 иш куни белгиланган бир пайтда, уни ойлаб бир четга ташлаб қўйишмаган бўлар эди.

Масалан, Зангиота тумани ҳокимлигида Кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш ишларини ташкил этиш бўйича туман комиссияси ҳамда унинг ишчи органи томонидан фуқаро Д. Қ.нинг ўзбошимчалик билан қурган уйига нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб ёзган аризасига асосан туман давлат хизматлари маркази томонидан 2018 йил 27 август куни юборилган сўровнома орадан 135 кун (!) ўтган бўлса-да, кўриб чиқилмаган.

Бошланиши 1-бетда

Хусусан, вилоят "Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр" Давлат корхонасининг Зангиота тумани филиали ушбу аризага асосан Давлат хизматлари маркази томонидан юборилган юқоридаги сўровномани бирор бир сабаб ва асоссиз 34 кун ушлаб туриб, 2018 йил 1 октябрь куни ижрога қаратган, яъни комиссия аъзоларига юборган бўлса, комиссия аъзоларидан бири – экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инспекцияси бу сўровномага орадан 23 кун ўтгандан кейин – 24 октябрда, давлат санитария-эпидемиология назорати маркази 26 кундан сўнг – 27 октябрда, туман давлат солиқ инспекцияси эса 34 кун ўтиб – 5 ноябрда, қурилиш бўлими орадан 37 кун ўтганидан кейин – 8 ноябрда жавоб беришган.

Юқорида қайд этилганидек, туман ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими эса 2018 йил 1 октябрда юборилган ушбу сўровномага орадан 135 кун ўтган бўлса-да, янада аниқроғи шу кунга қадар негадир жавоб беришни лозим топмаган.

Мазкур бўлим томонидан яна 35 та сўровномаларга мутлақо жавоб берилмаган, яъни беэътибор қолдирилган.

Бундан ташқари, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инспекцияси, қурилиш бўлими, ички ишлар бўлими, давлат солиқ инспекцияси идораларининг масъул шахслари эса 2018 йил 23 октябрда муҳокамага чиқарилган сўровномаларга жавоб беришни ўзларига эп кўришмаган. Шунингдек, мазкур ташкилотлар томонидан яна 8 та сўровномага ҳам умуман жавоб берилмаган. Буни қандай тушуниш керак? Ахир, инсонлар не умидлар билан мурожаат қилсаю, унга эътибор қаратиш мутасаддиларга малол келса?..



**Бу ҳали ҳаммаси эмас. Комиссиянинг ишчи органига ўтган йилнинг октябрь, ноябрь, декабрь ойларида келиб тушган юзлаб аризалар навбатини кутиб турибди. Қаранг-а, бу идораларда шунча одамлар ишлаб, давлатдан жарақ-жарақ ойлик олсаю, улар орасида фуқароларнинг аризаларини кўриб чиқадиган бирор марди топилмаса?!**

Давлатимиз раҳбари: "Оёғи ердан узилиб қолган", деганда шундай идора ходимларини назарда тутгани аниқ.

Президент томонидан берилган имтиёзга, ёрдамга муҳтож фуқаронинг аризасига нисбатан бундай муносабат комиссия аъзолари ҳамда унинг ишчи органи учун одатий ҳолга айланиб бораётгани янада ачинарлидир. Жумладан, шу кунда муҳокамада турган 11 минг 87 та мурожаатдан 5 минг 117 таси ер ресурслари ва давлат кадастр бўлимида, 5 минг 73 таси ички ишлар бўлимларида, 4 минг 787 таси қурилиш бўлимларида, 2 минг 284 таси давлат солиқ инспекцияларида, 954 таси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инспекциясида кўрилмасдан чанг босиб ётибди. Яъни, улар томонидан тегишли маълумотнома ва хулосалар тақдим этилмаган ҳамда муҳокамаси якунланган 2 минг 336 та мурожаат юзасидан расмийлаштирилган далолатномалар комиссия аъзолари ва раиси томонидан тасдиқланмаганлиги ҳам тушунарсиз.

Бундай совуққон муносабатнинг энг кўп ҳиссаси: Бекобод (438 та), Янгийўл (315 та), Бўстонлиқ (250 та) туманлари, Ангрен (282 та) ва Нурафшон (116 та) шаҳарларига тўғри келади.

**Умид ЮСУФЖОНОВ,**
**Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи**

**PS:** Дарҳақиқат, айрим мансабдор шахслар ўз вазифалари нимадан иборат эканини яхши билиб олишлари шарт. Акс ҳолда, уларга қонун устуворлиги ва жазонинг муқаррарлигини эслатиб қўйишга тўғри келади.

Таҳририят бу мавзуга яна қайтади.

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

### Тиббиётга доир яна 2 муҳим қарор

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология ёрдами кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги ҳамда "2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарорлари эълон қилинди.

### Давлат гранти асосида

2019-2020 ўқув йилидан бошлаб Тошкент тиббиёт академиясида "Пульмонология" мутахассислиги бўйича магистратурада кадрларни тайёрлаш босқичма-босқич ташкил этилади.

### Чемпионатнинг 3-тури якунланди

Пойтахтимиздаги "Ice City" мажмуасида давом этаётган хоккей бўйича биринчи Ўзбекистон чемпионатининг 3-тур ўйинлари ниҳоясига етди. Ушбу турдан ўрин олган "Ҳумо" ҳамда "Бинокор" жамоалари ўртасидаги учрашув 3:1 ҳисобида якунланди.

### "Навбаҳор" Украинанинг учинчи жамоасига ютқазди

Туркиянинг Анталия шаҳрида янги мавсумга тайёргарлик олиб бораётган Наманганнинг "Навбаҳор" клуби аъзолари сўнгги назорат-синов ўйинида Украина Премьер-лигасида 1-даврадан кейин фахрли 3-ўринни эгаллаб турган "Олександрия" жамоасига 2:1 ҳисобда имкониятни бой беришди.

❑ **Бир жиноят шарҳи**

# ИЛЛАТ КЎЧАСИНИНГ ТУЗОҒИ

**Катта ҳаёт тажрибасига эга инсонга ёшларни тўғри йўлга бошлаш, панд-насиҳат қилиш, маслаҳат бериш ярашади. Ҳар ҳолда, биз, Шарқ халқларида шундай бўлиб келган. Лекин, бунинг акси бўлсачи?**

Инсон ўз хатосидан тўғри хулоса чиқариб олмаса қийин экан. Олим (исмлар ўзгартирилган) ҳам ана шу тоифадан бўлиб чиқди. Олтмишга яқинлашиб қолган бу кимса тўрт нафар фарзанднинг отаси. Яна бува деган мақомда. Илгари талон-торож, ҳужжатларни қалбакилаштириш каби бир қатор жиноятларга қўл уриб, сим тўрлар ортида тўғри хулоса чиқарган бўлиши керак эди. Ўша вақтда ҳам пушаймонлигини билдириб, суддан енгил жазо сўраганди. Қорлар ёғиб, излар босилиб кетди, деб ўйлади шекилли, бу сафар гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланишни одат қилди.

Буни қарангки, у ўзига икки ёш йигитни ҳам шерик қилди. Ҳаммаси ўтган йилнинг март ойидан бошланди. Ўша кезлари у Бахтиёр исмли йигит билан тасодифан танишиб қолди. Уни гиёҳванд моддалар истеъмол қилишини дарров фаҳмлаб, яқиндан танишиб олишга ҳаракат қилди. Гап орасида дангал мақсадга кўчди. Ундан гиёҳванд моддаси топиб беришини сўради. Бахтиёр озроқ "гашиш" борлигини секингина шипшитди.

– Бир бўлагининг баҳоси 350 минг сўм, – дейди атрофга олазарак боқиб. – Оламан десангиз айтинг, бирор кунни тайин қилиб, шу ерда кўришамиз.

– Хўп, келишдик. Э тўхта, мана энг яқин укахоним қўнғироқ қилаяпти-ку, унга ҳам балки оз-моз керакдир...

Айни ўша вақтда Эргаш Олимга шу мақсадда қўнғироқ қилган эди. Икковлон сотувчига 9 бўлак "буюртма" беришди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан Олим Бахтиёр билан учрашиб, ўша 9 бўлак оғуни олиб келиб, уйига яширди...



Шундан кейин, Эргаш ўзига Вали деганини эргаштириб келди. Олим билсаки, ўша нотаниш болага ҳам оғу керак.

– Ишончлими, оғзига маҳкамми, ишқилиб қовун тушириб юрадиганлар хилидан бўлмасин, – дейди Олим хавотир аралаш Валига қараб қўяркан.
– Хўп, қанча керак сенларга?

– Беш бўлак, пулимиз нақд. Ўзи тайинли одамдан олганмисиз, "туфта"-масми?

– Мени биласан-ку укам, қачон уялтирганман? – дея ёқимсиз илжайиб, ўзини ҳожатбарордек тута бошлади.
– Бўлди гап йўқ, "есть" қиламиз. А, эсим қурсин нархи... Ҳм... унча қиммат эмас, сифатига яраша... беш бўлак бўлса... бу... ҳм... жами икки миллион икки юз эллик минг бўлади-да!

– Бўпти, айтганингиздек, "тозаси"-дан бўлсин. Олиб чиқинг, унгача биз пулларни тайёрлаб турамиз!

Хуллас, шу тариқа савдолари пишади.

Шу ўринда бир мулоҳаза қилиб кўрайлик. Қаранг, бир неча соатлик кайфу сафо учун шунча пул берилаяпти?! 2 миллион 250 минг сўм! Ўйлаб кўринг, ярамаслар кимларнинг насибасини қийиб шу ишга қўл ураяпти? Агар уларнинг ҳар бирида икки нафардан фарзанди борлигини ҳисобга олсак, саволларимизга жавоб ўз-ўзидан аён бўлади.

Олим, Эргаш, Вали гиёҳвандликнинг аянчли оқибати ҳақида билишмайдими? Албатта, билишади! Гап уларнинг иродасизлиги, бировларнинг таъсирига берилишида.

Очиғи, бу бемазагарчиликларга Олим сабабчи. Эргашнинг хаёли бузилишига Олимнинг "тарғибот-ташвиқот"и туртки берганига шубҳамиз йўқ.

...Ўша куни савдодан кейин ҳамма уй-уйига тарқалди. Қоронғуда хилват кўчадан бежо чиқиб келаётган Эргаш ҳуқуқ-тартибот ходимлари эътиборини тортди. Яқинлашаётган ходимларни кўриши билан унинг оёқ-қўллари қалтирай бошлайди. Бир зум довдираб турдида, шошиб чўнтагидаги "гашиш"ни олиб, четга улоқтириб юборди.

Гап нимадалигини дарров фаҳмлаган ходимлар тезда Эргашни қўлга олишди. У холислар иштирокида барча қилмишини тан олиб, воқеани бошидан гапириб берди. Унинг иқроридан кейин Валини ҳам ушлашди.

Айёр Олимга эса гумашталари ёрдамида тузоқ қўйишди. Яна гиёҳвандлик моддаси олди-сотдиси уюштирилди ва воқеа жойида ашёвий далиллар билан у ҳам қўлга олинди.

Суд мажлисларидан кейин ҳукм ўқилди: Олим узил-кесил 7 йилга озодликдан маҳрум этилди. Валига 3 йилу 6 ой берилди. Эргашга эса мажбурий даволантиришни қўллаган ҳолда 3 йилга қамоқ жазоси тайинланди.

**Абдусалим МАҲМУДОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲАМДА «ЧОРВОҚ» ЭРКИН ТУРИСТИК ЗОНАСИ ТУРИЗМ РАМЗЛАРИ НАМУНАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ БЎЙИЧА

## ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ



**Тошкент вилояти ҳокимининг 2019 йил 11 февралдаги "Тошкент вилояти ҳамда "Чорвоқ" эркин туристик зонаси туризм рамзларини жорий этиш тўғрисида"ги 99-сонли қарорига асосан туризм рамзлари намунасини танлаш ва тайёрлаш бўйича вилоят комиссияси тузилди.**

Қарор билан вилоят комиссиясига танлов ўтказиш йўли билан вилоят ҳамда "Чорвоқ" эркин туристик зонаси туризм рамзларини танлаш, танланган рамзларни белгиланган тартибда патентлаш, уларни вилоят ҳудудига кириш қисмлари, аҳоли гавжум жойлар, туристик ҳудудлар ва бошқа манзилларга турли шакл ва ҳажмларда ўрнатиш ҳамда жойлаштириш бўйича таклифлар киритиш, рамзларни ҳудудларга ўрнатиш бўйича пудратчиларни танлаш, шунингдек, рамзларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилишини таъминлаш вазифалари юклатилган.

Вилоят ҳамда "Чорвоқ" эркин туристик зонаси туризм рамзлари намунасини танлаш ишларини 2019 йилнинг 20 февраль кунига қадар якунлаши белгиланган.

Танлов билан боғлиқ харажатлар вилоят маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Туризм рамзлари – вилоятнинг туризм салоҳияти жозибадорлигини ошириш, туристлар оқимини кўпайтириш, алоҳида туризм брендларини яратиш ҳамда "Чорвоқ" эркин туристик зонаси фаолияти самарадорлигини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида жорий қилинади.

Шунга кўра, вилоят ҳокимлиги томонидан Тошкент вилояти ҳамда "Чорвоқ" эркин туристик зонаси туризм рамзларининг намуналари бўйича таклифлар қабул қилинмоқда.

**Мурожаат учун телефонлар:**
**+99890-358-99-11; +99898-300-55-07.**

**Манзил: 111500, Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90-уй.**

@haqiqatonline

# Ҳушёр бўлинг!

**"Тошкент-Чирчиқ" йўлида "Nexia" русумли автомобиль светофорнинг қизил чироғи ёниб турган вақтда ҳаракатни тўхтатмай, 2-синф ўқувчисини уриб юборган. Бола Чирчиқ шаҳар марказий шифохонасининг жонлантириш бўлимида вафот этган.**

Вилоят ИИБ маълумотларига кўра, ушбу ЙТҲни содир этган 33 ёшли ҳайдовчи ўтган бир йил давомида йўл ҳаракати қоидаларини бузгани учун саккиз марта жаримага тортилган, жарималардан бири айнан пиёдаларга йўл бермаганлик учун солинган.



Ҳайдовчига нисбатан Жиноят кодекси 266-моддасининг ("Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш") тегишли қисмларига кўра жиноят иши қўзғатилган, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

## Ҳайдовчи текширувдан бўйин товласа...

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг мастлиги ёки маст эмаслигини аниқлаш учун ўтказиладиган текширувдан бўйин товлаш транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йилу олти ойдан уч йилгача муддатга маҳрум қилиб, 3 млн. 40 минг сўм жарима солишга сабаб бўлади.

Мазкур ҳуқуқбузарлик транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан содир этилган бўлса, 6 млн. 81 минг сўм миқдорида жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.


Энди 215 млн. сўм тўлаб Malibu, 128 млн. сўм тўлаб эса, Chevrolet Tracker эгасига айланишингиз мумкин. Фақат автомобилларнинг қолган суммасини 1 йил давомида фоизсиз бўлиб тўлаш шарти билан.

**«GM UZBEKISTAN» АЖ ва «ЎЗАГРОСУҒУРТА» Tracker НАРХИГА Malibu, Lacetti НАРХИГА ЭСА Tracker ОЛИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛМОҚДА**



Шартнома тузилган вақтда "Ўзагросуғурта" мутахассислари ўша жойнинг ўзида муддатли тўловга берилаётган сумманинг 3 фоиз миқдорида молиявий хатардан, шунингдек, муддатли тўлов суммасининг гаров қийматидан 1 фоиз миқдорда суғурта полисини расмийлаштиради.

Автомобиль учун тўлиқ тўлов амалга оширилмагунига қадар дилерда гаровда бўлади. Ойлик тўловлар шартнома тузилган санадан кейинги ойнинг ҳар 15-санасигача амалга оширилиши лозим.

Шартнома муддати ва тўлов шартлари бузилишига йўл қўйилган тақдирда келишув бекор қилинади. Акция 14 февралдан 1 мартга қадар амал қилади.

Шошилинг, автомобиллар сони чекланган.


## Микрофирма ва кичик корхоналар раҳбарлари диққатига!

Микрофирма ва кичик корхоналар (чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги микрофирма ва кичик корхоналардан ташқари) раҳбарлари ҳамда масъул ходимларини 2018 йил учун қуйидаги:

– 1-KB shakli, 1-KB shakliga ilova (QM), 1-KB shakliga ilova (qurilish), 1-KB shakliga ilova (TIF), 1-KB shakliga ilova (sanoat), 1-KB shakliga ilova (energo), 1-KB shakliga ilova (QX), 1-KB shakliga ilova (EKO), 1-KB shakliga ilova (AKT) йиллик давлат статистика ҳисоботларини 26 февралдан кечиктирмай электрон имзодан фойдаланган ҳолда интернет тармоғи орқали топширишлари юзасидан огоҳлантириб ўтамиз.

Ҳисоботлар интернет тармоғи воситасида, давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда йиғишни автоматлаштирилган тизими eStat 3.0 орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этилади. eStat 3.0 тизимида мавжуд давлат статистика ҳисоботларининг электрон шакли (шаблони) ни Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий веб-сайтидан олишингиз мумкин.

Давлат статистика кузатувини олиб бориш учун зарур бўлган ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этмасликда ифодаланган давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиш, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини бузиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215-моддасида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

2018 йил учун юқоридаги давлат статистика ҳисоботларини тақдим этувчи субъектлар рўйхатини Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайти www.stat.uzга кирган ҳолда у ердаги интерактив хизматлар бўлимидан шакллар рўйхати саҳифасида корхона ва ташкилотнинг хос СТИР (ИНН) кодини терган ҳолда билиб олишингиз мумкинлигини эслатиб ўтамиз.

**Тошкент вилояти статистика бошқармаси**

Тошкент банк коллежи томонидан "Банк иши" мутахассислиги бўйича 2005 йилда Каршибаева Наргиза Насридиновна номига берилган К № 250724 серияли (рўйхат рақами 260) бўлган диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси вилоят бўлими ҳамда "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари жамоаси ушбу таҳририятда узоқ йиллар самарали меҳнат қилган ижодкор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Эълон

# КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги "Қишлоқ аҳолиси ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4028-сонли Қарори ижроси юзасидан қишлоқ жойларда аҳолининг кенг қатламларини замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлаш мақсадида:**
**"Қишлоқ қурилиш инвест" масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси 2019 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдоларини эълон қилади**
**№ 2019-05**

Тендер савдолари эълон қилинган биринчи санаси: **2019 йил 9 февраль "Ишонч" газетасида.**
Тендер таклифларини тақдим этиш учун охирги муддат: **биринчи эълон чоп этилган санадан 30 кундан сўнг.**

Қишлоқ жойларда қуриладиган янгиланган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар типлари. **2-тип:** 0,02 Га ўлчамли ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 3-хонали уйлар;

1. Тендер иштирокчилари қуйида санаб ўтиладиган ҳар бир тендер пакетлари учун муҳрланган танлов таклифларини киритишлари мумкин.

2. "Қишлоқ қурилиш инвест" МЧЖ ИК ("Буюртмачи") ҳуқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчиларини қуйида келтирилган шартномалар асосида янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун ("Қурилиш ишлари") муҳрланган танлов таклифларини киритишларини таклиф қилади.

3. Тендер савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ ўтказилади.

Тендер иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва тендер ҳужжатлари билан танишиш учун Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси,18-уй, телефон/факс: (0 371) 241-15-37, (0 371) 241-15-26.

**4. Тендер ҳужжатларининг нусхасини олиш учун тендер иштирокчилари қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:**

"_______вилояти, _________тумани, ___________массивидаги, ________ лот ____та якка тартибдаги уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун тендер ҳужжатларини беришингизни сурайман." шаклида юқоридаги манзилларга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш лозим.

Тендер ҳужжатларини эълон берилган кундан бошлаб барча иштирокчилар олишлари мумкин.

Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови тендер ташкилотчиларининг - Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳудудий консалтинг марказининг банк ҳисоб рақамига ўтказилиши лозим. Бир тўплам танлов ҳужжатлари учун кейинчалик қайтариб берилмайдиган ЭКИҲ га тенг.

Банк ҳисоб рақами реквизитлари қуйида келтирилган: Банк: "Азия Алянс Банк" Олмазор филиали ИНН: 300 017 720, МФО: 01102, Ҳ/р: 2021 0000 5045 4602 7001.

Тендер ҳужжатлари қуйидаги тартибда тақдим этилиши лозим: Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳудудий консалтинг марказига.

*Таклифларни тақдим этиш сўнгги муддатигача:*
Шартномалар рўйхатида кўрсатиб ўтилган вақтгача.

Тендер ҳужжатларида кўрсатилган тартибда декларация тақдим этиш.

**Тендер таклифларининг очилиши таклифлар тақдим этишнинг охирги кунида тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар иштирокида қуйида келтирилган манзилда ўтказилади: Тошкент вилояти ҳокимлиги.** Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90-уй. Телефон: + 0 (371) 232-80-47, Факс: + 0 (371) 232-80-42.

**Қўшимча маълумотлар учун "Қишлоқ қурилиш инвест" МЧЖ ИКнинг ҳудудий филиалларига мурожаат қилишлари мумкин.**

**Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар, қурилиш ташкилотлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:**

| Уй типлари | Бир дона уй (хонадон) учун талаб этилади: | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм) | Қурилиш ма-лакаси ўхшаш ҳажм ва характердаги шартнома (сўм) | Сўнгги бир йил давомида бажарилган ер ишлари ҳажми м3 | Сўнгги 3 йилда бажарилган бетон ишлари м3 | Сўнгги 3 йилда қуриб битирилган уйлар майдони м2 |
| 0,02 Га ўлчамли ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 3-хонали уйлар | 150 000 000 | 120 000 000 | 30 | 50 | 10 |

Шартнома (лот)лар рўйхати

| Лот № | Ҳудуд | Қишлоқ аҳоли пункти номи | Хонадон сони | Бир қаватли 3-хонали уйлар (0,02 Га) | | Таклифларни топширишни охирги муддати |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Сони | Уй рақами | |
| **Тошкент вилояти** | | | **90** | **90** | | |
| 489 | Бўстонлиқ | Қоранкўл | 10 | 10 | 1-10 | 2019 йил 11 март 11:00 |
| 490 | Зангиота | Бўзсув | 10 | 10 | 1-10 | 2019 йил 11 март 11:00 |
| 491 | Зангиота | Бўзсув | 10 | 10 | 11-20 | 2019 йил 11 март 11:00 |
| 492 | Қуйи Чирчиқ | Сурум | 10 | 10 | 1-10 | 2019 йил 11 март 11:30 |
| 493 | Паркент | Қорақалпоқ | 10 | 10 | 1-10 | 2019 йил 11 март 12:00 |
| 494 | Паркент | Қорақалпоқ | 10 | 10 | 11-20 | 2019 йил 11 март 12:00 |
| 495 | Тошкент | Тўлабий | 8 | 8 | 1-8 | 2019 йил 11 март 12:30 |
| 496 | Тошкент | Тўлабий | 12 | 12 | 9-20 | 2019 йил 11 март 12:30 |
| 497 | Янгийўл | Қўш-Ёғоч | 10 | 10 | 1-10 | 2019 йил 11 март 12:30 |

❑ Қутлов

*Бахшилик камдан-кам кишига насиб этадиган иқтидор. Бахши-оқин бўлиш учун шоирлик истеъдоди, созандалик маҳорати, қўшиқчилик қобилиятини уйғунлаштиришнинг ўзи озлик қилади. Бунинг учун, халқ таъбири билан айтганда, "Худо юқтирган" бўлиши даркор. Назаримизда, Ўзбекистонда Мекембой Омаровдан ҳам довруқлироқ оқин топилмаса керак. Ўзбекистонни қўяверинг, оғани мамлакатимиз ташқарисида ҳам яхши билишади, тан беришади, ҳурмат қилишади.*

# ЭЗГУЛИК ЖАРЧИСИ



Қибрайда камолга етган Мекембой Омаров 70 ёшга тўлди. Шу муносабат билан пойтахтимиздаги муҳташам санъат саройида катта маърифий анжуман бўлиб ўтди.

Мекембой Омаров – ноёб ижодкор. Ноёблиги шундаки, ҳам ёзувчи ва шоир, ҳам тарихчи ва этнограф, ҳам оқин ва бастакор, ҳам қўшиқчи ва публицист, ҳам тадқиқотчи ва маърифатпарвар муаллим. Бу хислатларнинг бари бир киши сиймосида зуҳур топганига ишониш қийин. Оғанинг бадиий асарлари, тарих ва этнографияга оид тадқиқотлари, китоблари, мактаб дарсликлари, таржималари аллақачон оғизга тушган, икки қондош эл – ўзбек ва қозоқ халқларининг маънавий мулкига айланган. Яна Мекембой Омаровда камдан-кам ижодкорда учрайдиган бир қирра бор: у икки тилда ҳам маҳорат билан ижод қилади.

Адабиётни бежизга дўстлик элчиси, дейишмайди. Мекембой оға каби орзу-умидлари азалдан муштарак бўлган қардош халқларнинг мақсад-муддаолари, қувонч ва ташвишларига шерик бўлиб, адабиёт, санъат воситасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлаб келаётган эзгулик жарчиларининг бутун ҳаёти ва ижодий фаолияти бу ҳақиқатни яққол ифода этади.

**Юсуф МИРЮСУФЗОДА**

*Д. АҲМЕДОВ олган сурат*

❑ Маърифий кечалар

*Қибрай туманидаги "Дўрмон" маданият саройида буюк бобокалонларимиз Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунлари муносабати билан "Назм ва наво" кечаси бўлиб ўтди.*



## БУЮК СИЙМОЛАРГА ЭҲТИРОМ

Тадбирда Республика "Маънавият ва маърифат" маркази вилоят бўлими, Ёзувчилар уюшмаси вакиллари, бир қатор олим ва шоирлар иштирок этишди.

Сўз олганлар, бу икки улуғ шахснинг ҳаёти ва ижоди, асарларининг ёш авлод тарбиясида тутган ўрни ҳақида атрофлича тўхталдилар.

Навоий ва Бобур қаламига мансуб ғазаллар, мумтоз куй-қўшиқлар ҳамда саҳна кўринишлар кечага ўзгача файз бағишлади.

Худди шундай тадбир Тошкент давлат аграр университетида ҳам ўтказилди.

Унда Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Темур Убайдулло ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Нуриддин Аминжоновлар талабаларга бу икки буюк шоирнинг ижодий меросини ўрганишга бўлган қизиқиш нафақат бизда, балки, хорижий мамлакатларда ҳам ортиб бораётгани, китоблари кўплаб чет тилларда чоп этилаётгани ҳақида сўзлаб бердилар. Икки улуғ зотнинг бугунги авлодларга қолдирган маънавий меросининг аҳамияти, қиймати хусусида қимматли фикрлар билдирилди.

**Ирода МУҲАММАДАЗИЗОВА,**
**Республика "Маънавият ва маърифат" маркази вилоят бўлими бош мутахассиси**

## АЖДОДЛАРНИНГ ИБРАТ МАКТАБИ

*Паркент туманидаги айрим фанлар чуқур ўрганиладиган мактабда Миллий гвардияга қарашли ҳарбий қисм билан ҳамкорликда "Бобурхонлик" маънавий-маърифий тадбир-ўтказилди.*



Тадбирда таъкидланганидек, буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг ижодий меросини ўрганиш, хотирасини абадийлаштириш, асарларида илгари сурилган эзгу ғояларни кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

– Бугунги кечамизда Бобурнинг Ватанга муҳаббатини ёшларимизга ибрат қилиб кўрсатишга ҳаракат қилдик, – дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Аброр Тўрабоев. – Улуғ алломанинг ёзган асарлари, илму маърифат ривожи учун қилган саъй-ҳаракатлари тўғрисида ёшларимизга сўзлаб бердик.

Тадбирда ўқувчилар томонидан тайёрланган Бобурнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган саҳна кўриниши намойиш этилди. Ёш ижодкорлар шоир ғазалларидан намуналар ўқишди. Мушоира иштирокчилари диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

**Акромжон ИСЛОМОВ,**
**ҳарбий қисм командири ўринбосари, подполковник**

Чирчиқ олий танк умумқўшин-қўмондонлик билим юртида ҳам Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 536 йиллиги муносабати билан ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари ўртасида "Энг зукко китобхон" кўрик-танлови ўтказилди. Буюк шоирнинг ҳаёти ва ижодига оид савол-жавобларда фаол қатнашган ўқувчи-ёшлар Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, билим юрти раҳбарияти томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт

**Ҳукумат қарори билан 2019-2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепцияси тасдиқланди, деб ёзмоқда "Ҳуқуқий ахборот" канали.**

## ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯГА ДОИР ЯНГИ КОНЦЕПЦИЯ

**Концепция доирасида:**

- мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб жисмоний тарбиянинг инновацион усуллари такомиллаштирилади.
- Чирчиқдаги Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетига талабаларни танлашда уларнинг тренерлик касбида ишлаш иштиёқига эътибор берилади.
- Жисмоний тарбия соҳасидаги кадрлар Sport Management (спортни бошқариш), Sport Leadership (спортга раҳбарлик қилиш), Sport Administration (спорт маъмуриятчилиги) йўналишлари бўйича тажриба орттиради.



- SPORTSUZ ахборот портали ҳамда iSPORT спорт иловаси яратилади.
- Спортчилар фаолиятини рўйхатга ва ҳисобга олиш бўйича – "Skm-sportsmen", тренерларни маълумот базасини таъминлаш бўйича – "Skm-trener" ва республиканинг жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларини паспортлаштиришни таъминлаш бўйича – "Skm-sportinshoot" ахборот тизимлари ташкил этилади.
- "Спорт байрами" миллий фестивали ўтказилади.

Шунингдек, қарор билан Концепцияни амалга ошириш чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Дастур доирасида, "Жисмоний тарбия ва спорт" ихтисослаштирилган нашриёт маркази ташкил этилади.

Фуқаролар ўз тураржойларига яқинда жойлашган объектларнинг (таълим, тиббиёт, спорт ва дам олиш муассасалари) жисмоний тарбия-соғломлаштириш иншоотларидан фойдаланишини таъминлаш йўли билан уларнинг жисмоний фаоллиги оширилади.

## Чимёнда қишки спорт турлари бўйича Ёшлар фестивали давом этмоқда

**Сир эмаски, бугун мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасига жиддий эътибор қаратилмоқда.**



Айниқса, Олий Мажлисга Мурожаатномада давлатимиз раҳбари мамлакатимизда қишки спорт турларини ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида урғу қаратдики, бу мазкур йўналиш тараққиётида янги даврни бошлаб берди. Бунга яқинда хоккей бўйича Ўзбекистон биринчи чемпионатига старт берилгани ҳам яққол мисол бўлади.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси ҳамда спортнинг қишки ва мураккаб техник турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби билан ҳамкорликда 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ҳаваскор спортчи ёшлар ўртасида илк маротаба "Chimgan Challenge" қишки спорт турлари бўйича Ёшлар фестивалини ташкил этди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшлар учун кенг имкониятлар, қулайликлар ва имтиёзлар яратилган. Бунга жавобан эртамиз эгалари ҳозирда илм-фан, таълим, маданият ва спорт каби кўплаб соҳаларда юксак натижаларни қўлга киритиб келишмоқда. Хусусан, спортда ҳам Ўзбекистон ёшлари юксак марраларни забт этишаётгани таҳсинга лойиқ.

"Chimgan Challenge" Ёшлар фестивали эса яқин келажакда мамлакатимизда қишки спорт турларини ривожлантириш йўлидаги муҳим қадамлардан бирига айланди, десак асло муболаға бўлмайди.

– Мазкур фестивални ўтказишдан кўзланган мақсад – юртимизнинг чекка ҳудудларида спортнинг қишки турларини ривожлантириш, хусусан, тоғ чанғиси, сноуборд ҳамда қор устида волейбол йўналишларида ҳаваскор ёшларни фаоллаштириш, бу орқали уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилишдан иборат, – деди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши Спорт ва саломатлик бўлими мудири Умид Ражабов. – Илк мусобақа Тошкент вилоятида ташкил этилди. Келгусида мазкур фестивални юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Мусобақада Тошкент вилоятининг ҳар бир туман ва шаҳарларидан 17 нафардан ҳаваскор спортчилар ғолиблик учун баҳс олиб боришаяпти. Иштирокчилар (тоғ чанғиси ва сноуборд спорт турларида – 6 нафардан ҳамда қор устида волейболда 5 нафар) учта ёш тоифасида, яъни 10-14, 15-20 ҳамда 21-30 ёшда ўзаро беллашишмоқда.

**Отабек ЭШМАМАТОВ,**
**ЎзА**

## «КУЁВБОЛА, БУ ҚИЗНИ МАҲКАМ УШЛАНГ...»

❑ Ана холос!..

Куюнчак муҳаррир Чори Латипов ўзининг Фейсбукдаги саҳифасида шу кунларда телеэкранлардаги мусиқий дастурларни "бало-қазодай" эгаллаган бир клипга ўз муносабатини билдириб, шундай ёзади:

"...Қизгина йигитга қўнғироқ қилиб, "Ҳар доимги жойимизда кўришайлик, кўргим келди", деяпти. Бу орада унга тўйим бўлаётганини қандай айтаман, деб ўзига савол ҳам берди. Қизиқ, тўйинг бўлаётган бўлса, айтиб қўй, нега энди бу йигит билан учрашасан, шунчалик эркин экансан нега бундан фойдаланиб, севганингга тегмаяпсан, нима халақит бераяпти, эркинсану, юрибсану ликиллаб, мантиқ қани?

Учрашдилар. Қизнинг таклифи билан қўл ушлашиб севги сайри қилишди. Сайрда ўйнаб бўлишгач, қизнинг тўйига таклифнома йигитнинг қўлига тегди. Йигит бахт тилади...

Қўшиқ клипи шу...

Ахир, бошқа биров билан тўйи бўлаётган қизнинг севиб эришмаётган йигити билан тўй арафасидаям бундай



беҳаёларча учрашиб юришини қандай тушунса бўлади? Бу бемаъниларнинг тўйдан кейин ҳам учрашиб турмаслигига ишонса бўладими?

Ишқилиб, шу қизга уйланаётган йигит уни маҳкам ушласин-да...

Тавба, тавба, дейсан одам..."

@haqiqatonline

## Ҳақиқатга тик қарамоқчи бўлсангиз...

Инсон қалби сирли туйғуларнинг сирли сандиқчасидир. Дарҳақиқат, шундай эмасми? Дейлик, кимнингдир қалбини минг кашф этишга уринманг, унинг айрим томонлари мудом номаълумлигича қолаверади. Чунки, у ерда инсоннинг ўзидан ҳам яширган эзгу ёки ёвуз туйғулари сақланади. Аммо, ишонч деган туйғу борки, баъзан яхшилик учун, баъзан ёмонлик учун айрим сирларнинг калитига айланиб бораверади.

Тўғри, аслида сирлар ишонган кишиларга айтилади дегани эмас, аммо инсон айрим ҳиссиётларга дуч келиб қолса, ҳаттоки ишонмаган кишиси билан ҳам сирлашиб қўйиши табиий. Ишончни ҳар ким ўзича талқин этса-да, кўп ҳолларда умумий қоидаларга асосланиб яшайди.

Минг ёмон деб юрган кишининг қалбида яширинган заррача яхшилик юзага чиқиши билан оламда унингдек инсонлар борлигидан қувониб кетасиз ва кези келганда қалбингиздаги сирни ишониб айтишга ҳам тайёр бўлиб қоласиз. Қалб сирлари калити деб яхшилик ва чиройли сўзларни биринчи ўринга қўйсак, қарши бўлмассиз?!

Заррача яхшилик ва яхши сўз билан ишонч қозониб, дўстликка ҳам, севги сўқмоқларига ҳам кириб бориш мумкин.



"Илк ишончсизликка қандай дуч келган эдингиз?" дея саволга тутсак, жавоб сифатида албатта ақлингизни танигандан кейинги сизга панд берган бирор ёлғонга бўлган ишончсизликни ёдингизга оласиз. Аслида-чи? Аслини олганда, инсондаги ишонч туйғусига гўдакликданоқ "тажовуз"лар ёғилиб боради:

"Келгунимча яхши бола бўлиб турсанг, музқаймоқ олиб

**Сабоқ**

**Ишонган инсонларимга "битта ҳам сиримни айтиб қўймайман", деб ўзингизга қатъий ишонч билдира оласизми?**

Баъзан кишилар оғзидан "Ҳозирги замонда "пишиқ" бўлмасанг, биринг икки бўлмайди. Ишонувчанлик кўп панд беради", деган гапларни эшитиб қоламиз. Шунда беихтиёр ўйлаб қоласан киши: инсон – яралган мавжудотларнинг онглиси ва энг улуғидир. Наҳотки, ўзаро бир-биридан шунчалик эҳтиёт бўлишга уриниб, ҳимояланса?!

Борди-ю, кишидаги ишонч ўз ортидан ихлос

### «Алдагани бола яхши...»

бераман" – бу ваъда ҳар доим ҳам бажариладими ёки олиб келинмаса, узрли сабаби болага ётиғи билан тушунтириладими? Албатта, ҳамиша ҳам эмас. Демак, амалга ошмайдиган ва сабабсиз ваъдалар кўпаявергани сари болада, аввало, яқинларининг сўзларига ишончсизлик пайдо бўлади.

"Жим ўтирмасанг, ҳозир олабўжи келиб олиб кетади", – бу сўзлардан бола аввалига қўрққан бўлса-да, ўз ҳолича шўхлик қилиб қўяверса, секин-аста "олабўжи" аслида сафсата эканлигига ишонади ва унинг борлигига ишонмайди.

"Алдагани бола яхши" қабилида иш тутиб овутиш гўдакнинг ҳаётга илк қарашларини ишончсизлик билан бошлаши ва унинг келгуси ҳаётида ҳам салбий феъл-атворли бўлишига олиб келади. Бола-ку, дея эътибор қилмаганимиз – унинг ишончи ортида орзу, умид каби туйғулар шаклланиб бораётганини унутмаслик лозим. Ўзи учун идеал инсонлар сифатида талқин этаётган ота-онасининг ваъдада турмаслик жиҳатларига гувоҳ бўлавергач, бевосита ўша хулқни ўзида шакллантира бошлайди. Ахир бежизга айтишмаганку, "Қуш уясида кўрганини қилади", деб.

### Дўстингизга боқинг!

билан дўстлик ёки севгини етаклайдиган бўлса, ихлосингиздаги киши чин маънода бевафолик қилган тақдирда ҳам, унинг бундай ишга қўл урмаслигига ишонасиз. Аммо, ишонч инсоний туйғу бўлса-да, моддият туфайли, хусусан, молу давлат, мартаба, нафс кабилар йўлида қурбон қилиниши ҳам сир эмас...

Ҳа, шундай бўлган тақдирда бутун олам сиз учун ишончсиз бўлиб туюлиб кетади ва "Ишонмагин дўстингга..." деган иборани ҳақиқатга айлантириб қўясиз.

"Бу дунёда чин дўст топиш қийин" дейишгача борасиз. Аммо, бир ҳақиқатни унутмаслик лозим – дўст топмоқ учун аввало дўст бўла олиш лозим.

Келинг, биргаликда ушбу иборани тузамиз: Ҳақиқатга тик қарамоқчи бўлсангиз, дўстингизга боқинг, у сизнинг ҳақиқатингиз. Агар у вафоли бўлса, сиз муносибсиз, бевафо бўлса, сиз соддасиз!

Дўстингиздаги камчиликларни айта олмасангиз, демак, чин дўст бўла олмабсиз. Хўш фикримиз ҳақиқатга тўғри келадими?

Ишонч – Яратган томонидан аталган ҳаёт йўлимизда бизни асровчи энг чиройли туҳфа. Ноодатий бўлиб кўринса-да, шундай хулосани илгари сурамиз: Оламни асранг дўстлар, одамни асранг!

**Абдулазиз РУСТАМОВ,**
**ЎзА**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Электрон почталар: thaqiqat@umail.uz th-tp@mail.ru

Телефонлар:

| | |
|---|---|
| Қабулхона: | 71 233-64-95, 71 233-58-85 (факс) |
| Бош муҳаррир ўринбосари: | 71 233-70-10 |
| Масъул котиб: | 71 233-55-38 |
| Бўлим муҳаррирлари | 71 233-38-23, 71 233-48-08 |
| Шартнома ва эълонлар: | 71 233-65-59 |
| Ҳисоб-китоб бўлими: | 71 233-54-10 |

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусаҳҳиҳ Аллома АЗИЗОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Манзилимиз: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32. Буюртма V-3138. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. 9 199 нусхада чоп этилди ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 23.30.